

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ ВОСИТАСИДА ТАРБИЯНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.

Хасанов Холбой Хасанович

*Термиз давлат университети Миллий
либос ва санъат факультети доценти*

Абдулазизова Мубина Бўри қизи

*Термиз давлат университети Бадиий графика ва дизайн кафедраси.
Рангтасвир дастгоҳлик таълим йўналиши 2- курс 124- гуруҳ талабаси.*

Аннотация: Мақолада тасвирий фаолиятнинг мақсади мактабгача таълимда болаларга бошланғич тасвирий санъат турлари ҳақида тушунчаларни хосил қилишдир. Бунга болаларнинг турли ёш даврларида олиб бориладиган асосий машғулотларнинг турлари расм, аппликация, лой, пластилин иши ва бадиий қуриш-яшашдир деб мақола ёритиб берилган.

Калит сўзлар: расм, аппликация, лой, пластилин иши, каштачилик, меъморлик, безак санъати.

Аннотация: В статье раскрывается цель изобразительной деятельности в дошкольном образовании как формирование у детей представлений об основных видах изобразительного искусства. Показано, что основными видами деятельности детей в разном возрасте являются рисование, аппликация, лепка из глины, пластилина, художественное конструирование.

Ключевые слова: живопись, аппликация, лепка из глины, пластилина, вышивка, архитектура, декоративно-прикладное искусство.

Abstract: The article reveals the purpose of visual activity in preschool education as the formation of children's ideas about the main types of visual art. It is shown that the main types of activity for children at different ages are drawing, applique, clay modeling, plasticine modeling, artistic design.

Key words: painting, applique, clay modeling, plasticine, embroidery, architecture, decorative and applied arts.

Мавзунинг долзарблиги. Тасвирий фаолиятни ўқитиш, ўргатиш халқ амалий безак санъати воситасида нафосат тарбиясини бериш методик дастурлари доирасида берилаётган мавзуларда олиб борилади. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари тасвирий фаолият машғулотларини чуқур ўрганган бўлишлари лозим. Чунки, тарбиявий мақсадларга эришиш йўли ҳам чуқур билимга асосланади. Тасвирий фаолиятга ўргатиш методикаси касб маҳоратини, ўқув-услугий фаолиятини юксалтириш билан боғлиқ бўлган компетенцияларни ҳам ривожлантиради. Тасвирий фаолиятга болаларни ўргатиш, халқ амалий санъати воситасида нафосат тарбиясини бериш асосан тасвирий фаолият тарбиячиси, ўқитувчисининг фанга оид билимлари ва

амалиётда қўллаш компетенцияларини эгаллаганлигига ҳам боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болаларда халқ амалий безак санъати воситасида нафосат тарбияси беришнинг ўзига хослиги тасвирий санъатни ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Тасвирий фаолиятнинг мақсади мактабгача таълимда болаларга бошланғич тасвирий санъат турлари ҳақида тушунчаларни хосил қилишдир. Бунга болаларнинг турли ёш даврларида олиб бориладиган асосий машғулотларнинг турлари расм, аппликация, лой, пластилин иши ва бадий қуриш-ясашдир. Ана шу тасвирий фаолият турларининг тўрталасида ҳам халқ амалий безак санъати унсурлари қатнашади. Бу болаларнинг нафосат дидининг шаклланишида катта ахамиятга эга бўлади.

Адабиётлар шарҳи. Таълим ва тарбияни инсон маънавий бойлигининг энг асоси сифатида деб қараш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам таълим-тарбияни, инсоннинг яшаш тарзи, муҳити, шароити ва давлат тизимини урф-одатларидан айрим ўрганиш мумкин эмас. Чунки, миллий қадриятлар, ўтмиш урф-одатлар, ёш-қариларнинг маданий-маънавий дунёси билан бирлашиб кетади. Ёшларни нафосат тарбиясига қаратилган масалаларни биз санъатга доир жиҳатлари- ни ўрганган олимлардан Абдурасулов С., Аннамуратова С., Бойметов Б., Булатов С.С., Қосимов Қ., Махмудов М., Орипов Б., Файзулина Ҳ.М., Ҳасанов Р.Ҳ., Хакимов А. кабиларнинг илмий асарлари, мақола ва нашр ишларида нафосат тарбиясига оид кўплаб фикрлар баёни берилган. Бу олимлар тасвирий, мусиқий ва амалий санъат воситасида ўқувчи ёшларни эстетик тарбиялашнинг турли метод, усул ва воситаларини келтириб ўтадилар.

Натижалар ва мунозара. Мактабгача таълимда Ўзбекистон халқ амалий безак санъатига доир кашта қилиб тикилган буюмлар сўзана, палак, гулкўрпа, жойпуш, кирпеч, зардевор, бўғжом, рўмоллар алоҳида каштачиликда ўрин эгаллайди ва ўзига хос кўринишларга эга. Каштачилик, меъморлик ва безак санъатининг бошқа турлари ганч ва ёғоч ўймакорлиги нақш солиш санъатларини тўлдириб боради. Инсоннинг турар жой ва бошқа майда рўзғор буюмларини тўла-тўқис безатишга ёрдам беради. У миллий кийимларда ҳам байрамларда ҳам кундалик кийиладиган кийимларда ҳам кенг тарқалган. Каштачилик халқ орасида чуқур илдиз отган баъзи одатлар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам болаларга яқин, тушуниши осондир. Каштачиликнинг тарихига бир назар ташланса, кўп замонлардан бери расм бўлиши натижасида маҳаллий, бадий услублар вужудга келган.

Тасвирий фаолиятнинг асосий мақсадларидан яна бири халқ амалий безак санъати воситаси орқали замонавий тасвирий санъат орқали болалардаги қобилият ҳамда имкониятларини аниқлаб, уларни тўғри шакллантириш борасида криативлик юзага чиқаришдан иборатдир. Тасвирий фаолиятнинг ўзига хос мураккабликларини тушуниш, унинг нозик қирраларини мактабгача ёшдаги болаларга улашиш маҳоратига эга бўладиган тарбиячиларни етиштириб чиқиш вазифаси турибди.

Ўзбекистоннинг бадий каштачилигида кўплаб техник усуллар қўлланилади. Чокларни йўрмалаш, деталларни майда пардозлашга катта аҳамият берилган. Тасвирларнинг йирик партиялари ё бир ёқлама текис, ё босма билан тикилиб, пишиқ, сал-пал бўртик таглик ташкил қилган. Ёки бўлмаса майда ярим катак шаклидаги нақшнинг устки қисмини дона-дона қилиб кўрсатувчи ироқи, ё таъсир кучи аниқ ҳисобга олинган қимматбаҳо тошларнинг тозаланишида таассурот қолдирадиган тўқима баҳелик йўрма тикиши. Йўрма кўпинча жиякларга ва нақшлар тарихини ажратишга ишлатилган. Шунини айтиш керакки, ҳар бир баҳё кўплаб вариантга эга бўлган. Каштачилик санъатини ҳар бир марказларида тикишнинг муайян усулларини афзал кўришган.

Бу эса маҳаллий услубларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Қадимий аёллар кийимида кашта фавқуллодда бой бўлган ва ўзига хос кўринишлар берган. Келинлар ва ёш жувонларнинг кийимлари – анъанавий кўк кўйлак, сохта энгли ёпинчиқ – (ёшларда қизил рангли, ўрта ёшлар, қарияларда оқ) кийимнинг баъзи қисмлари: масалан, қишки уст кийимлари, энг учига тикиладиган – тўқ рангли, майда хўжалик буюмлари: чойхалта, турвачалар, хуржун ва бошқа буюмлар камтарона безатилган. Қўлда безак тикиш анъанаси хали ҳам давом этиб, ривожланиб келмоқда. Бизнинг давлатимизда ҳам бир неча ўнлаб йиллар буржи бўлгани каби.

Заргарлик санъатининг ҳар бир марказида уларнинг энг йириклари – Бойсун, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Шаҳрисабзда буюмларнинг шакли, фойдаланиладиган материали, нақшлари ва ишлаш услуби ўзига хос бўлган. Уста заргарлар, лирик, узук, билакузук, маржонга ўхшаган кенг тарқалган ва кундалик тикишга мўлжалланган содда зеб-зейнатлар билан бирга юксак маҳорат талаб қиладиган ўрта мураккаб нақшли заргарлик буюмларини ҳам яшашган. Ишлов берилиши ва хилма хил шакли билан аёллар либосига мўлжалланган буюмлар ғоят сербезак бўлган. Улар аёлларнинг бош, пешона, қулоқ, чакка, бурун, соч, бўйин, кўкрак, елка, бел, билак ва бармоқларини қатор-қатор бўлиб безатиб туришган. Ёш келинлар турмушга чиққан дастлабки пайтларда, байрамларда, меҳмон келганда бор тақинчоқларини тақиб чиқишган.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки. Бир хил шакл ва мазмунларнинг йўқ бўлиб кетиши ва бошқа хилларининг пайдо бўлиши, анъанавий элементларнинг янгича талқин қилиниши халқ турмуш тарзининг ўзгариши билан боғлиқдир. Қадимий тақинчоқ буюмлар бўлмиш миллий безак шакллари фабрика санъаткорлари томонидан янги эстетик талаблар асосида қайта сайқалланмоқда. Тақинчоқларнинг янги шакллари ҳам изланмоқда. Республикаимизнинг кўпчилик шаҳар ва вилоятлари Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Тошкент, Сурхондарёда айрим уста заргарлар хали ҳам аҳолининг якка

буюртмаларига биноан аёллар зеб-зийнати (кўзли узук, зирак ва билакузук) ясаб аҳоли эҳтиёжларини қондириб келмоқдалар.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Сакулина Н.П Комарова Т.С. “Болалар боғчасида тасвирий фаолият”, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1976
2. Саморукова П.Г. таҳрири остида. “Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништириш”, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1984.
3. Содиқова Н.Ўзбек миллий кийимлари, XIX – XX асрлар. Т. “Шарқ”, 2003. – 159б.
4. Халезова Н.Б. ва бошқ. “Болалар боғчасида лой ва пластилидан ўйинчоқлар яшаш”, Т., “Ўқитувчи”, 1991.